

## АҚШНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ РАҚАМЛИ ДИПЛОМАТИЯНИ ОЛИБ БОРИШ ВОСИТАЛАРИ

**Иззатуллаев Бобиржон Иззатуллаевич**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси

Email: [izzatbobur@gmail.com](mailto:izzatbobur@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақола АҚШнинг Марказий Осиё минтақасига қаратилган ташқи сиёсатида рақамли дипломатиянинг аҳамияти, келгуси дастурлари, режалари ва истиқболлари ёритилган. Шунингдек, АҚШнинг Марказий Осиё бўйича 2019-2025-йилларга мўлжалланган стратегиясидан келиб чиқиб, рақамли дипломатия минтақада қайси соҳаларда олиб борилиши таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** рақамли дипломатия, АҚШ, Марказий Осиё, ташқи сиёсат, Давлат Департаменти, Интернет, ижтимоий тармоқлар, ҳамкорлик, алоқалар, минтақа.

### US DIGITAL DIPLOMACY TOOLS IN CENTRAL ASIA

#### ABSTRACT

The article emphasizes the importance of digital diplomacy, future programs, plans and prospects in US foreign policy aimed at the Central Asian region. In addition, taking into account the US strategy for Central Asia for 2019-2025, it was analyzed in what areas digital diplomacy will be conducted in the region.

**Keywords:** digital diplomacy, USA, Central Asia, foreign policy, Department of State, Internet, social networks, cooperation, communications, region.

#### КИРИШ

АҚШнинг Марказий Осиёдаги рақамли дипломатиясининг кейинги истиқболлари минтақага нисбатан олиб бориладиган ташқи сиёсат ҳамда Марказий Осиёдаги сиёсий муҳитга боғлиқдир. Бугунги кунда АҚШ рақамли дипломатияни олиб боришда қулай вазият юзага келган. Жумладан, буларга мисол сифатида Марказий Осиёдаги қуйидаги қулай вазиятни таъкидлаш мумкин:

– Марказий Осиё минтақаси аҳоли орасида интернет ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг сони ошиб бораётганлиги;

- оммавий ахборот воситалари ва Интернет учун тармоқлари учун инфраструктура ўрнатилганлиги;
- давлат ишида ишлайдиган ва оддий фуқаролар учун интернет ва ижтимоий тармоқларнинг турли масалалар бўйича асосий ахборот олиш манбаига айланаётганлиги;
- сўнгги йилларда блоггерлар ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларнинг фикрлари ҳукуматнинг қарорлар қабул қилишида таъсир кучига эга бўлиб бораётганлиги.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОЛОГИЯ**

Рақамли дипломатиянинг борасида тадқиқотларнинг салмоқли қисми АҚШ ва Европа мутахассислари томонидан олиб борилган ишларга тўғри келади. Жумладан, И. Манор, Э. Сегев, К. Бёола, М. Холмс, Ф. Хансон, У. Дизард, Э. Поттер, Я. Мелиссен, Б. Хокинг, Р. Кампф, П. Зайб, М. Кастелс, Е. Ҳалламс, Ж. Паммент, К. Фитзпатрик каби олимлар мазкур соҳа ривожига салмоқли ҳиссаларини қўшишган.

Тадқиқот жараёнида тарихийлик, анализ, синтез, таққослаш, тизимлилик, кейс-стади, умумлаштириш, мантиқийлик, қиёсий таҳлил ва бошқа фалсафий усуллардан фойдаланилди.

### **НАТИЖАЛАР**

2022 йил маълумотлар минтақада интернет фойдаланувчиларнинг салмоғи ошиб бораётганлиги кўрсатади. Жумладан Ўзбекистонда 27.2 млн интернет фойдаланувчилари бўлиб, 2021 йилга нисбатан 3 млн ошганини кўрсатади. Ўзбекистонда айниқса мобил қурилмалардан фойдаланиш айниқса оммалашган бўлиб, уларнинг фойдаланувчилари 25.3 млн ташкил этади. [1]

Қозоғистонда эса интернетдан фойдаланувчилар 16.4 млн кишини; (улардан 13.8 млн ижтимоий медиа фойдаланувчилари) Қирғизистонда 3.4 млн (улардан 3,2 млн ижтимоий медиа фойдаланувчилари) кишини; Тожикистонда 3.9 млн (улардан 1,4 млн ижтимоий медиа фойдаланувчилари) кишини; Туркманистонда 2.3 млн (улардан 338 минг ижтимоий медиа фойдаланувчилари) кишини ташкил этади. [2]

Интернетдан фойдаланиш бўйича бутун Марказий Осиёга минтақаси давлатлари учун умумий ҳолат шуки, интернетнинг мамлакатни қамраб олиш даражаси ўсаётганлиги, ундан фойдаланувчилар салмоғини йилдан йилга ошиб бораётганлиги ва аҳоли орасида асосан мобил интернетдан фойдаланиш даражаси юқоридир.

Минтақада ижтимоий тармоқлар айниқса Facebook, Instagram, LinkedIn, Twitter оммалашган. Россия ижтимоий тармоқлар орасида эса Вконтакте ва Одноклассники ўзининг кўплаб фойдаланувчиларига эга. Бундан ташқари мобил

хабарнома (мессенжер) фойдаланувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда. 2020 йилда телеграм Ўзбекистон ва Қозоғистонда энг кўп юклаб олинган мобил дастурлар ичида 1-ўринда. Туркменистонда 2-ўринда, Қирғизистон ва Тожикистонда 3-ўринда. Whatsapp мобил дастури эса Қозоғистонда 2-ўринда, Қирғизистон ва Ўзбекистонда 6-ўринда, Тожикистон ва Туркменистон 4-5-ўринни эгаллаган. 2023 йилда Ўзбекистонда энг кўп юклаб олинган иловалар ичида Instagram (2-ўрин), Snapchat (3-ўрин), Telegram (4-ўрин) ва Whatsapp (8-ўрин) қайд этилган. Қозоғистонда ҳам Telegram иловаси 10 та энг кўп юклаб олинган иловалар қаторидан жой олган. [3] Минтақада мобил хабарномалар ичида минтақада кейинги ўринларда Imo ва Viber туради. [4]

Марказий Осиё минтақасида аҳоли орасида интернет фойдаланувчиларининг ошиб бориши қуйидагилар билан боғлиқдир: 1) Интернет-инфраструктурасини аҳоли яшайдиган барча ҳудудларга кириб бориши; 2) Интернет сифатини яхшилаиб борилаётганлиги; 3) Интернетга уланиш нархининг пасайиши; 4) Аҳоли учун кундалик ахборот олиш, турли видеоролик томоша қилиш ва иш юзасидан интернет орқали маълумотни қабул қилиш ҳамда юбориш зарурати. Бундан ташқари давлатлар томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ўз ташқи сиёсатида рақамли дипломатиядан фойдаланиш ҳам интернет билан боғлиқ.

АҚШнинг минтақа билан кейинги йиллардаги ташқи сиёсий алоқалари баён қилинган энг янги ҳужжат АҚШ Давлат Департаменти ҳисоботидир. Ушбу ҳисобот 2019 йил феврал ойида АҚШ Давлат Департаментининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича Бюроси томонидан “АҚШнинг Марказий Осиё бўйича 2019-2025-йилларга мўлжалланган стратегияси: суверенитет ва иқтисодий тараққиётга қўллаш” стратегиясидир.

### **МУҲОКАМА**

Ушбу стратегиядан келиб чиқиб, яқин йилларда АҚШнинг Марказий Осиё рақамли дипломатия истиқболини қуйидаги соҳаларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, АҚШнинг рақамли дипломатияси Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро икки томонлама ва яхлит минтақа сифатида турли соҳадаги ҳамкорликларни мустақамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат бўлади. Бунга мисол сифатида АҚШнинг минтақада рақамли дипломатияни олиб бориш механизми ва воситалари, жумладан, дипломатик муассаса расмий веб сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда бошқа Интернет манбаларининг маълумотларини таҳлилларини келтириш мумкин.

АҚШнинг Ўзбекистондаги расмий веб сайтнинг сўнгги 1 йил давомида (2022 йил январдан 2023 йил январгача) 70 дан ортиқ янгилик берилган бўлиб, улар асосан АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистон

билан ҳамкорлиги, лойиҳалари ва ёрдамлари. Мисол учун, USAIDнинг Орол денгизи ҳудудида чўлланишнинг салбий оқибатлари билан курашиш моддий ёрдами, тадбиркорлик ва касб-хунар ўргатиш дастурини битирган аёлларга ускуналар бериши, Халқ таълими вазирлиги билан мавжуд таълим тизимини ривожлантиришда кўмаклашиш грантлари, USAIDнинг Агробизнесни ривожлантириш лойиҳаси, нуфузли рейтинг ва индекслар ташкилотларнинг Ўзбекистон бўйича ҳисоботлари, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалаларига бағишланган.

Бундан ташқари АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хеник томонидан ҳам АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг ижобий томонлари, икки томонлама муносабатлар ва учрашувларни ёритиб боришга ҳаракат қилади.

АҚШнинг Қозоғистондаги расмий веб сайтнинг сўнгги 1 йил давомида (2022 йил январдан 2023 йил январгача) 50 дан ортиқ янгилик берилган бўлиб, асосан икки мамлакатга алоқадор бўлган янгиликлар, АҚШнинг турли дастур ва лойиҳалари, USAIDнинг моддий кўмаклари ва бошқа мавзуларга бағишланган.

Рақамли дипломатиянинг асосий воситаларидан бири бўлган ижтимоий тармоқлар, хусусан Facebook АҚШ ва Қозоғистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларининг тараққий этиб бораётганлиги ҳамда мазкур жараёнларнинг Қозоғистон учун ижобий томонларини тезкорлик билан тақдим этиб боради. Тармоқнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда янгиликлар асосан 3 та тилда (қозоқ, рус ва инглиз) берилади).

Минтақадаги бошқа давлатлар Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондаги расмий веб сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги янгиликлар ҳам қолган давлатларники ўхшаш. Мазкур янгиликларда хулоса қилинса, АҚШ рақамли дипломатиянинг асосий мақсадларидан бири минтақада ўз ижобий имиджини яхшилаш, турли соҳаларда ҳамкорликнинг минтақа учун ижобий томонлари кўрсатиш ва моддий кўмаклар кўрсатадиган давлат сифатида тақдим этишдан иборатдир.

Мазкур тенденциялар шундан далолат бермоқдаки, келажакда АҚШнинг рақамли дипломатия истиқболлари айнан ушбу йўналишга кўпроқ аҳамият қаратилади. АҚШ рақамли дипломатиясининг расмий веб сайтлар, ижтимоий тармоқ ва бошқа Интернет манбаларидаги юқоридаги мавзуларни ёритишдаги ўсиш ҳолатлари ҳам шуни унинг истиқболини кўрсатмоқда.

Шунингдек, АҚШ минтақа билан алоқаларни кучайтириш бўйича йирик лойиҳаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Жумладан, шундай лойиҳалардан бири C5+1 лойиҳасидир. Жумладан, 2021 йил 7 январ куни АҚШнинг Ўзбекистондаги ва Қозоғистондаги элчихоналари расмий веб саҳифасида Марказий Осиё инвестицияси ҳамкорлиги бўйича қўшма баёнот эълон қилинди.

Унга кўра АҚШ, Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари Марказий Осиё инвестиция ҳамкорлиги йўлга қўйилганини эълон қилди. Лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида беш йил давомида камида бир миллиард доллар сармоя ётқизиш учун мавжуд барча саъй-ҳаракатларни ишга соладилар.

Марказий Осиё инвестиция ҳамкорлиги АҚШнинг Марказий Осиё учун иқтисодий ўсиш ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ривожлантиришда муҳим қадам ҳисобланади. C5+1 платформаси орқали фаолият олиб борган ҳолда ушбу ташаббус Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакатни янада кучли ва фаровон қилиш учун савдо-сотик, тараққиёт ва ўзаро алоқани кучайтириш бўйича имкониятлардан фойдаланишга интилади. [5] Юқоридаги ушбу мавзу Facebook ижтимоий тармоғининг саҳифалари, гуруҳлари ва алоҳида постларида ҳам муҳокама қилинди. Маҳаллий ички аудиторияга йўналтирилган ушбу хабар асосан ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан ижобий қабул қилинди.

Иккинчидан, АҚШнинг Марказий Осиё рақамли дипломатияси минтақа давлатларнинг мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилади. АҚШнинг минтақа ташқи сиёсатидаги асосий масалалардан бири кудратли давлатларнинг Марказий Осиё давлатлари ички ишларига аралашмаллигини олдини олишга қаратилган. Шу боисдан Россия ва Хитойнинг минтақа ички ишларига аралашувига қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини қоралаб келади.

АҚШ рақамли дипломатиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган Америка Қўшма Штатлари Марказий Қўмондонлиги (USCENTCOM) томонидан ҳомийлик қилинадиган Caravanserai сайтнинг мақсади икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар орқали такомиллашган минтақавий барқарорликни оширишга қаратилган ҳаракатни ифода этишдир. [6] Шунингдек, ушбу сайтнинг материаллари Россия ва Хитойнинг Марказий Осиё ички ишларига аралашувини қоралаб кўплаб материаллар юклаб боради.

Хусусан, мазкур сайтда бериб борилган сўнгги бир йиллик ( 2022 йил 1 январдан 2023 йил 26 январгача) таҳлил қиладиган бўлсак, унда 300 дан ортиқ янгилик юкланган бўлиб, уларнинг 90%дан ортиғи минтақа давлатлари учун Россия ва Хитой олиб бораётган сиёсатнинг салбий томонларини кўрсатиш, АҚШ ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан яқин ҳамкорлик алоқаларидаги ижобий жиҳатларидан хабардор қилишдан иборат. Мазкур сайт 3 тилда (инглиз, рус ва ўзбек) олиб борилиб, кейинчалик 2 тилда рус ва ўзбек тилларида ёритиладиган бўлди.

Бундан ташқари, сайтнинг барча ижтимоий тармоқда саҳифалари мавжуд бўлиб, яқин йилларда Telegram иловасида ҳам саҳифаси ишга туширилди. Ушбу икки мамлакатнинг (Россия ва Хитой) минтақада АҚШ учун яқин келажакда асосий рақиблар сифатида сақланиб қолишидан келиб чиқиб, рақамли дипломатия истиқболлари ушбу ўйналишда ривожланишда давом этади.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари таъминланишини масаласига АҚШ алоҳида аҳамият қаратади. Шу боисда мазкур масала АҚШ олиб бораётган рақамли дипломатияда муҳим ўрин эгаллайди. АҚШ минтақада рақамли дипломатия орқали инсон ҳуқуқлари масаласи мамлакатларнинг инсон ҳуқуқларига эътиборини тортишга ҳаракат қилади. Жумладан, рақамли дипломатия қўйидаги воситаларни ишга солади:

– АҚШ ҳукуматининг ва дипломатик муассаса расмий веб сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқ саҳифалари орқали инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг йиллик ҳисоботларини чоп этиб боради;

– минтақа давлатларидаги инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан мазкур давлат бўлиб турган АҚШ элчиси ижтимоий тармоқ орқали ёки видео мурожаат қилиб ҳукумат эътиборини ушбу масалага қаратишга ҳаракат қилади;

– инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижобий ўзгариш, қарорлар ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, ҳукумат эътиборини мазкур масалага қаратади.

Бугунги кундаги минтақадаги Интернет, ижтимоий тармоқларнинг оммалашуви, блоггерларнинг қарорлар қабул қилишдаги таъсир этувчи кучга айланиб бораётганлиги ҳамда инсон ҳуқуқлари фаолларининг янада фаоллашаётганлиги жараёнларидан келиб чиқиб, яқин келажакда АҚШ рақамли дипломатиясининг мазкур соҳаларда фаоллашиш истиқболларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Хусусан, сўнгги йилларда АҚШ ҳукумати томонидан нуфузли халқаро рейтинг ва индекс билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳисоботлари ва мамлакат ўринларига эътибор кучайган.

Тўртинчидан, АҚШ Марказий Осиёда савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликда рақамли дипломатиядан кенг фойдаланиш истиқболлари жуда муҳимдир. АҚШ инвестицияларини жалб қилиш орқали Марказий Осиёни ривожлантириш АҚШ янги стратегиясининг сўнгги йўналишидир. Марказий Осиёдаги ишбилармонлик муҳитининг қулай, шаффоф, очиқ ва адолатли бўлиши АҚШ компанияларини жалб қилади ва ривожланишнинг янада кенгроқ мақсадларига эришишга ёрдам беради. Хужжатга кўра, Кўшма Штатлар қўшимча хорижий инвестициялар, жумладан Америка компанияларини жалб



қилиш учун зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш учун Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати билан ишламоқда. [7]

Кейинги йилларда АҚШнинг минтақадаги рақамли дипломатияси инвестиция соҳада қуйидагича намоён бўлиши мумкин. Жумладан, Марказий Осиёда мамлакатларида инвестиция киритиш ва бизнес учун яхши муҳит шаклланиб бораётганлиги оид нуфузли босма ва электрон нашрларда мақолалар, ташкилотларнинг ҳисоботлари, шунингдек, ҳукумат расмий вакилининг нутқи, маъруза ва интервьюлари чиқишлари орқали. Жаҳон Банкнинг 2020 йил октябрь ойида COVID-19 ва Инсон капитали ҳисоботида Марказий Осиёни иқтисодий тикланиши учун инвестиция муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Унга кўра, тўғридан тўғри инвестициялар натижасида Марказий Осиё иқтисодиёти қайта тикланиши мумкин. [8]

Бешинчидан, АҚШ рақамли дипломатия орқали Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик масаласига эътиборни қаратиши мумкин. Хусусан, АҚШнинг минтақага қаратилган рақамли дипломатияни олиб борувчи каналлари томонидан минтақавий хавфсизлик масаласи фаоллашган. Мисол учун, 2022 йил 28 февралда видеоконференцалоқа шаклида Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари „С5+1“ доираси хавфсизлик бўйича ҳамкорлик ва Афғонистондаги вазият юзасидан амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар кўриб чиқилади. [9]

**ХУЛОСА.** АҚШ Давлат котиби Энтони Блинкеннинг Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали Марказий Осиё мамлакатлари суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қатъий қўллаб-қувватлашни таъкидлаб, С5+1 форматидаги минтақавий ҳамкорликнинг халқлар учун аҳамиятини, минтақавий хавфсизликни таъминлашда АҚШнинг амалий кўмаклари ҳамда ҳамкорлик ўрни борасида мурожаатлар билдирилиб келади. [10]

Умумий хулоса қилинса, АҚШнинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик масаласи муҳим ўрин эгаллаб келган. АҚШ рақамли дипломатиясининг истиқболли вазифа ва йўналишларида мазкур масала долзарб бўлиб қолади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. O'zbekistonda internet xizmatidan foydalanuvchilar soni ma'lum qilindi. // <https://kun.uz/uz/news/2022/01/10/ozbekistonda-internet-xizmatidan-foydalanuvchilar-soni-malum-qilindi>
2. Posts tagged central asia. // <https://datareportal.com/reports/tag/central+asia>

3. Top Charts // <https://app.sensortower.com/top-charts?category=all&country=KZ&os=android>
4. Social media users // <https://www.similarweb.com/apps/top/google/store-rank/uz/all/top-free>
5. Марказий Осиё инвестиция ҳамкорлигини эълон қилиш хусусида қўшма баёнот. <https://uz.usembassy.gov/uz/joint-statement-on-the-announcement-of-the-central-asia-investment-partnership-uz/>
6. Америка Қўшма Штатлари Марказий Қўмондонлиги (USCENTCOM) томонидан ҳомийлик қилинадиган Caravanserai сайти // <https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/pages/about>
7. AQSHning Markaziy Osiyo bo'yicha strategiyasi mintaqa suverenitetini mustahkamlashga qaratiladi. [https://central.asia-news.com/uz-Latn/articles/cnmi\\_ca/features/2020/02/10/feature-02](https://central.asia-news.com/uz-Latn/articles/cnmi_ca/features/2020/02/10/feature-02)
8. Investing in People is Crucial to Economic Recovery in Central Asia. 2020 oct. <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2020/10/07/investing-in-people-is-crucial-to-economic-recovery-in-central-asia>
9. Марказий Осиё давлатлари ва АҚШнинг «С5+1» шаклидаги навбатдаги вазирлар учрашуви бўлиб ўтди. // <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/01/ca-usa/>
10. Янгиликлар Archives - АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси // [www.uz.usembassy.gov](http://www.uz.usembassy.gov)